



Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

28 FEVRAL  
№25

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
9-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-9**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 32 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

### **3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

### **5.Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

### **6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### **7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ  
ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Шамсутдинов Хусан Шербутаевич</b> ҚУРИЛИШДА АУТСОРСИНГ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	7
<b>2. Маматов Акмалжон Анваржонович</b> БАНКЛАРНИНГ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ .....	9
<b>3. Тангирқулов Бекзод</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТЕМОЛГА СОЛИҚЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ .....	13
<b>4. Уринбоев Гуломжон Собиржонович</b> МУЛКИЙ СОЛИҚЛАР ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАР .....	15
<b>5. Yo'ldosheva Tursunoy Sharifovna</b> “IQTISODIY BILIM ASOSLARI” FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR .....	17
<b>6. Мамадалиева Гулнора</b> ИСЛОМ БАНКЛАРИ ХАМКОРЛИГИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИ .....	18
<b>7. Тингловчиси: Расулов Акмал</b> ҚАРЗ ҚИММАТЛИ ҶОФОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛANIШИ .....	21
<b>8. Ш.З.Тўйчиев</b> ФҮЮЧЕРСЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА КЎРИНИШИ .....	24
<b>9. У.А.Улугов</b> ОПЦИОН БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	26
<b>10. Норсафаров Баҳриддин</b> ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БАНКЛАРНИНГ ЎРИНИ .....	28
<b>11. Сапаева Нилюғар Қадамбаевна</b> ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	30



## ИКТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ҚУРИЛИШДА АУТСОРСИНГ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шамсутдинов Ҳусан Шербутаевич,

ассистент, +998 97 4247407,

Тошкент архитектура-қурилиш институти

**Аннотация:** Ушбу мақолада қурилишда аутсорсинг тизимининг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** аутсорсинг, қурилиш аутсорсинги, аутсорсинг хизматлари, харажатларни камайтириш, сифатни ошириш.

«Аутсорсинг» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, шартнома асосида ташқи манбалардан, яъни аутсорсинг хизматини кўрсатувчи корхоналар хизматидан фойдаланишни билдиради.

Аутсорсинг - бу ташкилот томонидан шартнома асосида саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари ёки функцияларини зарур бўлган соҳада фаолият юритадиган бошқа компанияга ўтказилиши.

Қурилишда аутсорсинг - бу сифатни яхшилаш, харажатларни камайтириш ва вақтни сарфлаш мақсадида компаниянинг маълум функцияларни, бизнес жараёнлари йўналишларини амалга ошириш учун учинчи томон ташкилотига ўтказишга оид стратегик қарори. Бир марталик иш учун ёрдамчи ишчи кучини жалб қилиш бутун дунёда кўлланиладиган фойдали фаолиятдир.

Қурилиш бизнесида аутсорсинг тизимининг асосий мақсади умумий харажатларни камайтириш, сифатни ошириш режимида қабул қилинган буюртмани бажариш вақтни камайтиришдир. Қурилишда аутсорсинг - бу сифатни яхшилаш, харажатларни камайтириш ва вақтни сарфлаш мақсадида компаниянинг маълум функцияларни, бизнес жараёнлари йўналишларини амалга ошириш учун учинчи томон ташкилотига ўтказишга оид стратегик қарори. Бир марталик иш учун ёрдамчи ишчи кучини жалб қилиш бутун дунёда кўлланиладиган фойдали фаолиятдир.

Қурилиш фаолиятининг турли босқичларида аутсорсингнинг қўйидаги амалий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қурилиш лойиҳаси учун техник шартларни асослаш;
- бутловчи қисмларни сотиб олиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш - логистика тизими;
- ишлаб чиқариш;
- таъминот занжири бошқаруви;
- янги маҳсулотларни жорий этиш;
- маҳсулотни тақсимлаш, ташқи логистика;
- сотишдан кейинги хизмат;
- қурилиш, тугатиш, лойиҳалашга буюртмалар бериш асослари.

Қурилиш аутсорсинги бир қатор афзалликларга эга:

- кўп сонли ишчиларни тезкор таъминлаш;
- ёлланган ишчиларни рўйхатдан ўтказишга ҳожат йўқ
- бу ишчиларга ҳамроҳлик қилиш учун бухгалтерия бўлимини кераксиз ишлардан озод қилиш
- солиқ тўлаш, ишчиларга пуллик таътил ва касаллик таътилини беришнинг ҳожати йўқ.



Курилиш аутсорсинги туфайли ташкилот бир қатор иш жараёнларини амалга оширишда кераксиз харажатлар ва қўшимча вақт харажатларидан халос бўлади.

Аутсорсинг хизматлари курилиш соҳасида турли хил муаммоларни ҳал қилиш учун ишлатилади:

- лойиҳаларни комплекс амалга ошириш (бош шартнома);
- обьектларни топшириш бўйича муайян ишларни бажариш;
- лойиҳаларни амалга оширишда аниқ муаммоларни ҳал қилиш;
- кадрлар бошқаруви жараёнларини оптималлаштириш.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. [www.google.com](http://www.google.com)
2. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)



## БАНКЛАРНИНГ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ.

**Маматов Акмалжон Анваржонович,**  
“Агробанк” АТБ НР департаменти бизнес-тренер  
Телефон: +998 (99) 602 79 49  
Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

**Анотация.** Мазкур мақолида Тижорат банкларининг ресурсларини бошқариш, уларнинг турлари, гурухланиши ва уларнинг ўрганишда хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари ҳамда Республикаиздаги банк тизимида ресурсларни хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, тижорат банкларининг ресурсларини гурухларга бўлиб ўрганиш бўйича тавсия берилган.

**Калит сўзлар.** Тижорат банклари, банк ресурслари, банк ресурсларининг классификацияси, ресурсларнинг гурухланиши, мажбуриятлар, депозитлар, банк капитали, ликвидлик

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш, бозор ислоҳотларининг янада чукурлаштирилиши натижасида йилдан-йилга салмоқли натижалар қўлга киритилиб, барқарор иқтисодий ўсиш йўналиши мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсатнинг тўла ва изчил амалга оширилиши, иқтисодиётнинг муҳим устувор тармоқларининг белгилаб берилиши ҳамда уларни ривожлантириш бўйича барча имкониятларнинг сафарбар этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикаизда банк соҳасининг ривожланиши кейинги йилларда яқъол кўзга ташланмоқда. Бу ривожланиши қуйидаги кўрсаткичларнинг мунтазам равишда ўсиб бориши орқали баҳолаш мумкин: тижорат банклари активларининг ҳажми; фаолият кўрсатаётган мини-банклар сони; кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори; тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдиги; тижорат банкларининг ялпи капитал миқдори.

Ҳозирги кунда банк тизими олдида турган энг долзарб вазифаларидан бири молиявий барқарорликни таъминлаш, ресурс базасининг мустаҳкамлиги ҳамда диверсификацияланниш даражасини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмалари даражасининг катталиги, шунингдек, узоқ муддатли депозитларни жалб этиш соҳасида банклараро рақобатнинг кучайиб бориши ҳамда технологик ривожланиш натижасида мижозларнинг инновацион хизматларга бўлган талабининг ошиб бориши тижорат банклари томонидан депозит сиёсатини ишлаб чиқиши, уни амалга ошириш механизми ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Тижорат банклар ресурслари банк бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зарурлиги - банк амалга ошираётган актив фаолиятида ҳамда операциялар миқдоридан билинади. Банк ресурслари актив операциялар орқали иқтисодга жойлаштирилган миқдоридан даромад шаклланади. Шунинг учун, банк ресурслари қанчалик кўп бўлса, даромади ҳам шунчалик кўпаяди.

Банк ресурсларини мукаммал ўрганиш учун уларни гурухларга ажратиб таснифлаш лозим. Тўғри, банк ресурсларининг туркумланиши уларни бошқаришда жиддий ўзгариш яратмайди, аммо уларни ўрганишнинг тизимли ёндашувини вужудга келтириш учун асос яратади.

Тижорат банклари ресурсларининг шаклланиши жиҳатидан таснифланиши банкирлар ва иқтисодчи-олимлар томонидан турлича ўрганилади. Бу борадаги ўтказилган илмий тадқиқотлардан асосий уч гурухга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гурух олимлари – “банк ресурсларини шаклланиши жиҳатидан иккига бўлиб ўрганган, яъни банк ресурслари банкнинг ўз капитали ва жалб килинган маблағлардан иборат” деб таъкидловчи олимлардир. Бу гурухга Россия олимларидан - Букато В.И. ва Львов Ю.И.ларни ва бошқа олимларни киритиш мумкин. Лаврушин О.И. “Банковское дело” китобида “тижорат банк ресурслари шаклланиши жиҳатидан, ўз ресурслари ва жалб қилинган маблағларга бўлинади”, - деб айтиб ўтган. Масленченков Ю.С. “Финансовый менеджмент в коммерческом банке” китобида: “банк ресурсларини ўз ва жалб қилинган маблағлардан ташкил топади”, - деб ўрганади.



Юқоридаги фикрлардан кўришимиз мумкинки, бу иқтисодчи-олимлар ресурсларнинг таркибий шаклланишига кўп эътибор бериб, банк ресурсларини фақат икки гурухга бўлиб ўрганганлар.

Иккинчи йуналиш олимлари, бу гурухга Россия олимларидан - Садвакасов К.К., Киселев В.В.лар киради. Бу гурух олимлари банк ресурсларини ўрганишда таркибий жиҳатдан уч йирик гурухга бўлиб таснифлайдилар. Яъни, банк ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва эмитентлашган маблағлар. Россия олимларининг иккинчи гурухи каби, Ўзбекистонлик олимлардан Ш. З. Абдуллаева ҳам банк ресурсларини уч йирик гурухга бўлиб ўрганган. Хусусан, Ш.З.Абдуллаева ўзининг “Банк иши” китобида: “Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади” - деб таъкидлаган.

Россия ва Ўзбекистон иқтисодчи-олимлардан фарқли равишда, учинчи гурух олимлари, буларга Европа ва АҚШ иқтисодчи-олимлари киради, банк ресурсларини банк капитали ва банк пассивларига бўлиб ўрганадилар. Яъни банк пассивларига банк капиталини қўшмайдилар. Жумладан, АҚШ иқтисодчи олимлари “Financial Markets” китобида, Швейцария олимлари Claudia Dziobek “Instruments for Bank Restricting” илмий ишида, Rode V. “Commercial Banks in a modern economy” китобида банк ресурсларини - банк пассивларига ва банк капиталига бўлиб ўрганган.

Биз ушбу мақолада тижорат банкларининг ресурсларини фақат икки гурухга, яъни ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларга бўлиб ўрганмоқчимиз. Чунки, фикримизча, қарз маблағлар ёки эмитентлашган маблағлар ҳам четдан жалб қилинади, шунинг учун уларни алоҳида гурухга бўлиб ўрганиш шарт эмас деб ҳисоблаймиз. Бу ерда қарз ҳамда эмитентлашган маблағларни жалб қилинган маблағларнинг бир бўлгаги сифатида кўриб чиқамиз. Бундай ёндашув, бизнинг фикримизча, банк ресурсларини тушунишни соддалаштиради.

**1-жавдал.** Тавсия этилаётган банк ресурсларининг классификацияси.

<b>Тижорат банклари ресурслари</b>	<b>Жалб қилинган маблағлар:</b>
<b>Ўз маблағлари:</b>	<b>Жалб қилинган маблағлар:</b>
Устав капитал	Депозитлар
Захира капитал	Олинган банклараро кредитлар
Таксимланмаган фойда	Бошқа кредиторлар
Келгуси давр даромадлари	Кимматли қоғозлар эмиссияси
Хисоб-китоблар тизимидағи ўз маблағлар	Марказий банкдан олинадиган ссуда маблағлари
Номоддий активлар	

Жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг ресурслари икки асосий гурухдан иборат.

Банкларнинг ўз маблағлари – бу банкка тегишли бўлган маблағлар бўлиб, уларга банк капитали, тақсимланмаган фойда, келгуси давр даромадлари, ҳисоб-китоблар тизимидағи ўз маблағлар ва номоддий активлар киради. Демак, банкнинг ўз маблағлари деб, тижорат ва хўжалик фаолиятидаги молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ҳосил қилинган турли фонdlар ҳамда ўтган ва жорий йил фаолиятидан олинган даромадларни тушуниш керак.

Банкнинг ўз маблағлари таркиби бир хил эмас ва турли омиллар орасида ўзгариши мумкин. Масалан, уларнинг активлари сифати, ўз даромадидан фойдаланиши, стратегияси, банкнинг капитал базасини таъминлаш бўйича сиёсати кабиларга боғлиқ.

Тижорат банклари ресурсларининг иккинчи гурухи - бу жалб қилинган маблағлардир. Бу маблағлар банк таъсисчиларига тегишли эмас, улар четдан, яъни банк мижозларидан жалб қилинади. Банк муассасаларининг хусусияти ҳам шундан иборатки, банк ресурсларининг асосий қисми жалб қилинган маблағлардан ташкил топади. Тижорат банкларининг ресурсларни жалб қилиниши Марказий банк томонидан назорат қилинади ва у тижорат банкларнинг ўз маблағлари ҳажмидан ва ҳуқуқий-тузулиши шаклидан келиб чиқади.

Ихтиёрий банк пассивларининг асосий қисмини - депозитлар ташкил этади. «Депозит» сўзи - бир неча маънони билдиради. Масалан, банкларга ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига сақлашга берилган пул маблағлари ёки қимматбаҳо қоғозлар, божхона божи тўланадиган қўйилмалар, йиғилган солиқлар, рискни таъминлаш учун административ органлардаги қўйилмалар ва ҳокозолар. Иқтисодчилар «депозит» тушунчасига бир қанча



фикрлар билдирганлар. Баъзи иктисадчилар, депозитни - қўйилма, омонат ёки вақтинча бўш турган пул маблағлари деб изоҳлайдилар. Аммо, бизнинг фикримизча, бундай алоҳида категория сифатида бўлиши шарт эмас, чунки буларнинг ҳаммаси бир маънони англатади. Агарда уларнинг функциялари ёки улар бажарадиган вазифалар турлича бўлганда эди, уларни турли атамалар билан изоҳлаш максадга мувофиқ бўлар эди. Ортиқча атамалар киритилиши эса тушунмовчиликларга олиб келади. Шунингдек, Француз олимси Пьер Берже, ўзининг «Пул механизми» китобида, «...депозит (қўйилма) - деганда, чалкашишлар келиб чиқади. Кредит рақами ёки кредит сальдоси деган терминлар, депозитларнинг моҳиятини янада тўлиқроқ тушунтиради...» деган фикрни юритади.

Биз депозит тушунчасини шундай ифодалаймиз: «Депозит бу кредит муассасаларида сақлаш ёки маҳсус-мақсадга қўйиладиган пул маблағларидир». Депозит сўзи фақатгина кредит муассасаларидағи рақамлардаги маблағларга айтилиши керак. Бундай классификация чалкашишларнинг олдини олади.

Депозитлар банкларда маълум вактда қолиб, кредит олувчи мижозга маълум микдорда даромад келтиради, шу билан бирга банкка ҳам даромад келтиради. Банкларнинг даромади қарз олувчининг фоиз суммасидан кредиторга тўловчи фоиз суммаси фарқи орқали келиб чиқади. Халкаро банк амалиётида, қўйилмаларга маблағларни жалб килиш билан боғлиқ операцияларни - депозит операциялар дейилади. Депозит операцияларга, маълум бир муддатга ёки талаб қилиб олингунча депозитга жалб қилиш билан боғлиқ операциялари киради. Депозит операцияларининг субъектлари: банк - қарз олувчи бўлиб, пул эгалари - кредитор бўлиб ҳисобланади. Яъни, субъекти сифатида: давлатнинг корхона ва ташкилотлари, муассасалари; кооперативлар, акционер жамиятлар, қўшма корхоналар, жамият ташкилотлари ва фондлари, молиявий ва суғурта компаниялари, инвестицион ва траст компаниялар ва фондлар, жисмоний шахслар, банк ва бошқа кредит ташкилотлари иштирок этиши мумкин. Объекти бўлиб эса, банкга берилган пул маблағлари ҳисобланади.

Мижозлардан ва бошқа кредиторлардан маблағ жалб килиш – банклар пассив операцияларининг асосий кўриниши ҳисобланади. Бу маблағлар жалб қилиниши турига караб, депозит рақамлари ҳам турли хил бўлади. Уларни – депозитни ташкил қилиш манбай бўйича, мақсадлилиги, фоиз даражаси ва бошқа мезонлар бўйича классификациялаш мумкин. Аммо, негизи сифатида, мижознинг категорияси ва депозитни олиниши бўйича амалиётда кенг қўлланилади.

Бу категориялар бўйича классификацияланиши турли мамлакатларда турлича бўлади. Масалан, АҚШда депозитларни асосий икки гурухга, яъни трансакцион ва но-трансакцион депозитларга бўлиб ўрганади. Ўзбекистонда депозитларнинг иктисадий моҳияти ва ишлатиш муддатига қараб уч гурухга бўлиб ўрганилади. Булар - талаб қилиб олингунча (аниқ муддат белгиланмайдиган), муддатли (маълум бир муддатга қўйиладиган) ва жамғарма (жамғариш учун қўйиладиган) депозитлар.

Тижорат банклари ўз маблағларининг ичida асосий роллардан бирини банк капитали бажаради. Банк капиталининг хусусияти шундан иборатки, унинг салмоғи банк ресурсларида кичик бўлишига карамасдан, у зарур функцияларни бажаради. Банк капиталининг мавжудлиги банкни ташкил топиши ва унинг фаолият кўрсатиши учун энг асосий заруриятлардан биридир. Банк капитали банк балансининг пассивида жойлашади. Банк ўз ресурслари банкрот ҳолатига тушганда, даъволарни қопланишининг муҳим манбаси суғурта фонди ва банк операцияларини ривожланишини молиялаштириш бўлгани учун унга алоҳида эътибор берилади. Аксарият тижорат банклар акционерлик тарзида тузилади. Ҳар бир банкнинг капитали акционерлар инвестиция қилган ва кейинчалик фойда ва зарар ҳисобига қўшилган ёки айрилган қийматига тенг бўлади.

Шунингдек, ўз капиталининг салмоғи қанчалик катта бўлса, шунчалик кўп юқори ликвидли активлар банк мажбуриятларига хизмат кўрсатади. Бунинг натижасида жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятлар бажарилгани учун маблағлар қайтиш даражаси маблағлар кетиш даражасидан ортади. Бу ҳолат банк қарз олувчи бўлиб ишлаганда, маблағларни жойлаштириш муддати ва суммасининг маблағлар қайтарилиши суммаси ва муддати билан мос келишини осон назорат қиласи.

Шундай қилиб, банк капитали - кредит операцияларни амалга ошириш учун бир манба бўлиб, шу билан бир қаторда жалб қилинган маблағларни қайтаришда кафолат бўлиб ҳисобланади.



Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини муддатлари бўйича диверсификация қилиш орқали бошқаришни чуқурроқ такомиллаштириш, яъни тижорат банклари ўзларининг молиявий ресурсларини бошқариш жараёнида, ресурсларни даромад келтирувчи активларга, жалб қилинган муддатларини эътиборга олган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ресурсларни бошқаришда бу омилга эътибор қаратилиши банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишига имкон бериди.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкининг ресурс потенциалини ташкил этувчи банк пассивларининг шаклланиши ва оптималланиши жараёнлари, барча пул маблағларининг манбаларини бошқариш сифатида мукумликни талаб қиласди. Банкнинг доимий ресурс базаси унинг ссуда ва бошқа актив операцияларни муваффақиятли ўтказишга ёрдам берар экан, ҳар бир тижорат банк ресурсларини оширишга ҳаракат қиласди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13-июндаги 14/3-сонли “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги”ги низом (Адлия вазирлигига 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

4. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши”. Тошкент, ТМИ, 2005 йил.

5. Лаврушин О.И. “Банковское дело”, Москва , Кнорус, 2009 йил.

6. В.Н. Букато, Ю.В. Головин, Ю.И. Львов “Банки и банковские операции в России” Россия, 2001 йил

7. Масленченков Ю.С. “Финансовый менеджмент в коммерческом банке” Москва: Перспектива, 1997 йил



## ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТЕММОЛГА СОЛИҚЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Тангирқулов Бекзод  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси магистранти  
e-mail:bekzod.tangirkulov@bk.ru  
тел.: 90-746-11-01

**Аннотация:** Ушбу тезисда Ўзбекистонда истеъмолга солиқлар тизимидағи айрим муҳим муаммолар ёритилиб, уларнинг ечими тўғрисида муаллифлик фикрлари билдирилган. Хусусан, мамлакатда импортга акциз солиқларидан протекционистик сиёсатни амалга оширишда ҳамон асосий инструмент сифатида фойдаланиб келинаётганлиги танқид қилиниб, акцизости товарлар рўйхатини қисқартириш таклифи берилган.

**Аннотация:** Данный тезис освещает некоторые важные проблемы в системе потребительских налогов в Узбекистане и выражает авторский взгляд на их решение. В частности, критиковалось, что акциз на импорт по-прежнему используется как ключевой инструмент при реализации протекционистской политики в стране, и предлагалось сократить перечень подакцизных товаров.

**Abstract:** This thesis highlights some important problems in the system of consumption taxes in Uzbekistan and expresses the author's view of their solution. In particular, it was criticized that the excise tax on imports is still used as a key tool in the implementation of protectionist policies in the country, and it was proposed to reduce the list of excisable goods.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** истеъмолга солиқлар, акцизлар, билвосита солиқлар, импорт, Жаҳон Савдо Ташкилоти

**Ключевые слова и фразы:** налоги на потребление, акцизы, косвенные налоги, импорт, ВТО

**Key words and phrases:** consumption taxes, excise taxes, indirect taxes, imports, WTO

Ҳар қандай давлатнинг солиқ тизими якка ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида компаниялар бир вақтнинг ўзида бир нечта штатларда трансмиллий корпорацияларни яратиб, глобал қиймат занжирига айланиши мумкин. Интернет орқали савдони ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётни рақамлаштириш халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида туртки бўлди. Бунда, масофавий технологияларнинг кенг жорий қилинганлиги сабабли мижозларни жалб қилиш компаниянинг маълум бир худудда жисмоний мавжуд бўлиши шарт эмас.

2015 йилдан бошлаб ривожланган мамлакатлар ўзларининг солиқ тизимларига электрон хизмат кўрсатувчи провайдерларга эгри солиқни фаол равишда жорий этишини бошладилар. Масалан, Россияда бундай "Google-га солиқ" (Россия Федерациясида жойлашган харидорларга электрон хизмат кўрсатувчи хорижий етказиб берувчилардан олинадиган қўшимча қиймат солиғи) 2017 йилда жорий қилинган. Бундай солиқни жорий этиш зарурати ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг глобал ривожланиш тенденциясида қолиш истаги, унинг худудида кўрсатиладиган электрон хизматлар айланмаси шаклида миллий солиқ базасини йўқотишини истамаслиги билан боғлиқ эди.

Фикримизча, ҳозирги кунда кенг кўламли солиқ ислоҳоти, хусусан билвосита солиқлар тизимида ислоҳотни амалга ошираётган Ўзбекистонда ҳам миллий истеъмолчиларга электрон хизматларни етказиб берадиган хорижий таъминотчиларга нисбатан худди шундай солиқни жисмоний шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ва ташкилотларга нисбатан жорий этиш имкониятига эътибор қаратиш керак.

Истеъмолга солиқларни такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, сўнгги ўн йилликларда солиқ сиёсати соҳасида акциз солиғига фискал функциядан ташқари қўшимча тартибга солиш функциясини бериш билан боғлиқ тенденция кузатилмоқда. Шунга кўра, жаҳон амалиётида акциз солиғи ҳисобига айрим заарли товарлар, биринчи навбатда алкогол ва сигареталар нархларини ошириш орқали аҳоли саломатлигига зарарни камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати кенг тарқалди. Бундан ташқари, бир қатор акциз солиқларини жорий этишдан мақсад, айниқса атроф-муҳитга нисбатан қўпроқ масъулиятли хатти-ҳаракатларни рағбатлантиришdir. Бу экотизимга заарли чиқиндишларни келтириб



чиқарадиган ёқилғи, автомобиллар ва бошқа маҳсулотларга акциз солиғига нисбатан қўлланилади. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида акциз солиғини солиқка тортишда қўлланиладиган ёндашув юқорида тавсифланган дунё тенденцияларидан сезиларли даражада фарқ қиласди. Акциз солиғининг биринчи навбатда тартибга солиш функциясига эмас, балки бюджетга йўналтирилган фискал ҳусусиятига эътибор берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида акциз солиқлари савдо воситаси сифатида божхона тўловлари билан бир қаторда қўлланилади. Таҳлиллар импорт қилинадиган маҳсулотларга акциз солиғи миқдори тахминан божхона божига тенг эканлигини кўрсатди. Шунингдек, импортга акциз солиқлари жамият ва аҳоли учун хавфли бўлиши мумкин бўлган товарлар учун эмас, балки маҳсулот ва товарларнинг кенг тоифалари учун қўлланилади. Шундай қилиб, импорт операцияларининг акциз солиғи даражаси ички операцияларнинг акциз солиғи даражасидан сезиларли даражада ошиб кетади.

Хозирги пайтда Жаҳон савдо ташкилотининг тамойиллари ва механизмларига асосланган савдо сиёсатини глобал тартибга солиш тизими ўз тарихида инқирозли даврни бошидан кечирмоқда. Ушбу ҳукмнинг сабабларидан бири шундаки, хозирги пайтда мамлакатларнинг оптимал ёки тўғри савдо сиёсати тўғрисида деярли бир хил халқаро келишув мавжуд эмас. Бу эса мамлакатларда бир томонлама ҳаракат қилиш истагини юзага келтиради. Шу билан бирга, Жаҳон Савдо Ташкилотига асосланган халқаро савдони тартибга солиш тизими миллий муомала тамойилини – товар ва хизматларнинг ички ва импорт таъминотларига солиқ солишининг тенг шароитларини назарда тутади. Ўзбекистон Республикасининг акциз солиғини йиғишидаги ёндашуви бу ерда кўрсатилган принципда белгиланган ёндашувдан сезиларли даражада фарқ қилишини таъкидлаш жоиз.

Эҳтимол, ўрта муддатли истиқболда Жаҳон Савдо Ташкилоти тамойилларига асосланган глобал савдони тартибга солиш тизимининг парчаланишини бироз чуқурлашаётганини, яъни глобал миқёсда савдо-сотиқ учун тенг шароитлар яратишнинг ҳаддан ташқари амбицияли мақсадидан, асосий шерик мамлакатлар билан тенг шароитлар яратиш унчалик катта бўлмаган мақсадига ўтиш, яъни билвосита солиқлар, солиқ маъмурияти, божхона қонунчилиги, фитосанитария назорати ва бошқалар билан боғлиқ умумий қоидаларни таъминлайдиган мамлакатлар ўртасида савдо иттифоқларини яратишга ҳаракатлар бўлар.

Хозирги пайтда Ўзбекистон протекционистик савдо сиёсатини амалга оширишда давом этмоқда. Бунда импортга акциз солиқларидан восита сифатида фойдаланмоқда. Минтақавий ва глобал савдо интеграциясининг ривожланиши ва чуқурлашиши билан мамлакат ушбу солиқ сиёсати воситасини қўллашдан воз кечиши ва акциз солиғини қўллашга нисбатан нейтрал ёндашувларни кўриб чиқиши керак бўлади. Акциз солиғи тизимини ислоҳ қилишнинг асосий ёндашуви акциз тўланадиган товарларнинг рўйхатини қисқартириш ва импорт қилинадиган ва маҳаллий товарлар ўртасидаги ставкаларни тенглаштириш бўлиши мумкин.

Хозирги вақтда акцизости товарларнинг аксарияти протекционистик савдо сиёсати ва солиқка тортишнинг фискал функциясини амалга ошириш мақсадларидан ташқари, уларни қўллаш учун бошқа мезонларга жавоб бермайди. Бизнинг фикримизча, савдо сиёсатининг либераллаштирилиши муносабати билан акцизости маҳсулот гурухларининг қўпини рўйхатдан олиб ташлаш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган манбалар:**

1. Тихонова А.В. Налог на Google: как не сделать шаг назад в ближайшем будущем? / International Accounting, 2018, vol. 21, iss. 19
2. Грачев М.С. Фискальная и социальная роль акцизов в России / Вестник Санкт-Петербургского университета, 2013, Сер. 5, вып. I
3. Андросик Ю.Н. Бизнес-экосистемы как форма развития кластеров / Общие вопросы экономики и управления. Труды БГТУ №7 2016
4. [https://www.wto.org/english/res\\_e/publications\\_e/publications\\_e.htm](https://www.wto.org/english/res_e/publications_e/publications_e.htm)
5. Оболенский В. Протекционизм и свобода торговли в современном мире. Мировая экономика и международные отношения, 2013, № 12, с. 14-23



## МУЛКИЙ СОЛИҚЛАР ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАР

Уринбоев Гуломжон Собиржонович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

e-mail: urinboev.g0409@mail.ru

төл.: +998 99 845 88 83

**Аннотация:** Мазкур тезисда мол-мулк ва ер солиқлари механизми танқидий кўриб чиқилиб, мавжуд муаммолар очиб берилган. Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг айrim ривожланган мамлакатлар тажрибаси ёритилиб, унга асосланган ҳолда Ўзбекистонда мол-мулк ва ер солиқлари ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий қилиш юзасидан таклиф берилган.

**Аннотация:** Этот тезис критически исследует механизм налогов на имущество и землю и раскрывает существующие проблемы. Представлен опыт некоторых развитых стран по налогообложению недвижимости, на основании которого сделано предложение о введении в Узбекистане налога на недвижимость вместо имущественного и земельного налогов.

**Abstract:** This thesis critically examines the mechanism of taxes on property and land and reveals existing problems. The experience of some developed countries in the taxation of real estate is presented, on the basis of which a proposal was made to introduce a tax on real estate in Uzbekistan instead of property and land taxes.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** мол-мулк, кўчмас мулк, солиқлар, солиққа тортиш, ер солиғи, мол-мулк солиғи

**Ключевые слова:** имущество, недвижимость, налоги, налогообложение, земельный налог, налог на имущество

**Keywords:** property, real estate, taxes, taxation, land tax, property tax

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида давлат бюджетининг умумий солиқли даромадлари одатда марказий ва маҳаллий (провинциал, шунингдек муниципал) солиқлардан тушумлар ҳисобига шаклланади. Маҳаллий солиқлар таркибида мулкий солиқлар муҳим аҳамият касб этгани ҳолда кўпчилик давлатларнинг маҳаллий бюджетлари шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистонда ҳам маҳаллий бюджетлар даромадларида мол-мулк ва ер солиқлари муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ушбу солиқларнинг давлат бюджети умумий даромадларидаги улуши жуда кам.

Мазкур солиқлар маъмурчилиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, ушбу солиқларни ҳисоблаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва хабардор қилиш, ҳисобланган солиқларни ундириш билан боғлиқ умумий сафарбарлик харажатлари бошқа солиқларга нисбатан давлатга анча қимматга тушади [1]. Бундан ташқари, мол-мулк ва ер солиқларининг амалдаги механизми солиқ солишдаги ижтимоий адолатни лозим даражада таъминлай олмайди. Ушбу солиқларнинг механизми бозор тамойилларига асосланмаганлиги уларнинг самарасизлигига олиб келмоқда.

Мулкларни солиққа тортишнинг ҳалқаро амалиёти таҳлили шуни кўрсатди, мулкий солиқлар ичida кўчмас мулк солиғи энг асосийи ҳисобланаб, маҳаллий бюджетлар даромадларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айrim мамлакатлар кўчмас мулк солиғи механизмининг тадқики ушбу солиқ маъмурчилигининг нисбатан самарали эканлиги ва солиқнинг ижтимоий адолатга асосланганлигини кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мунтазам ва ишончли солиқ базасини шакллантириш ҳамда мулкий солиқлар маъмурчилиги самарадорлигини ошириш мақсадида ҳалқаро амалиёт қиёсий таҳлили асосида Ўзбекистонда мулк ва ер солиқлари механизмини унификациялаш ҳамда ижтимоий чегирмаларга эга бўлган кўчмас мулк солиғини жорий қилиш имкониятларини илмий асослаб тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Мулкий солиқларга оид адабиётлар таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлди, ривожланган мамлакатларда мазкур солиқни асосан янада адолатлироқ ундириш муаммоси мухокама қилинса, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатларда кўчмас мулк солиғини ҳали энди жорий қилиш муаммолари ўрганилмоқда. Бироқ, бу борадаги умумийлик шундаки, кўчмас мулк солиғи мураккаб маъмурчилик касб этсада, мулкий солиқларнинг бу турига давлатлар солиқ тизимида зарурат мавжуд.



Ўрганиб кўрилган мамлакатларнинг қарийб барчасида ер, бино ва иншоотлар кўчмас мулк солиғининг обьекти ҳисобланади. Бунда соликқа тортиш базаси бўлиб кўчмас мулк обьектининг асосан бозор қиймати (АҚШ, Канада, Швейцария, Туркия, Корея, Грузия, Қозоғистон), алоҳида баҳоланганд қиймати (Австрия, Германия), йиллик ижара қиймати (Франция, Сингапур), кадастр ёки инвентаризация қиймати (Белгия, Испания, Озарбайжон) ҳисобланади. Айрим мамлакатларда эса кўчмас мулкни соликқа тортишда қатъий белгиланган солик шаклидан (Истроил, Қозоғистон, Озарбайжон) фойдаланилади [2].

Кўчмас мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган солик ставкалари асосан прогрессив характерга эга (Австралия, АҚШ, Германия, Австрия, Испания, Корея, Сингапур, Грузия ва бошқалар) бўлсада, унинг пропорционал (Канада, Белгия, Швейцария, Туркия), қатъий белгиланган (Озарбайжон, Истроил) ва аралаш (Франция, Қозоғистон) кўринишлари ҳам кенг тарқалган.

Кўчмас мулкни соликқа тортиш механизмини алоҳида давлатлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсақ, Австралияда худудлар бўйича соликқа тортишнинг турли тартиблари амал қилгани ҳолда, солик ставкаси асосан мураккаб прогрессив шаклда. Солик базасини аниқлаш бўйича мулк қийматлари ҳар йили эълон қилинади. Мисол учун, Янги жанубий Уэлс ҳудудида 2020 йил учун солик солиш мақсадларида қиймат кўрсаткичлари қуидагича белгиланган [3]:

734 000 австралия долларигача бўлган мулк қийматига – 0%;

734 000 – 4 488 000 доллар оралиғидаги қийматга – 1.6% + 100 AUD;

4 488 000 доллардан юқори бўлган мулк қийматига – 2% + 60164 AUD.

Германияда соликнинг базаси маҳсус баҳоланганд қиймат бўлиб, соликқа тортиш 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда солик базасини ҳисоблашучун камайтирувчи индекслардан фойдаланилади. Қиймати 38346,89 еврогача бўлган уйлар учун 0.26, қиймати ундан юқори бўлган уйлар учун 0.35 коэффициент қўлланади. Қолган обьектлар учун пропорционал коэффициент қўлланилиб, у солик обьектининг хусусиятидан келиб чиқиб, индивидуал тарзда белгиланади (0.26 дан 1 гача). Соликни ҳисоблаб чиқишининг иккинчи босқичида олинган сумма муниципал солик ставкасига кўпайтирилади. Бу ставка пропорционал бўлиб, худудлар бўйича турлича белгиланади (390% дан 810% гача) [4].

Францияда кўчмас мулкка эгалик қилиш солиғининг базаси мулкни ижарага бериш қиймати асосида аниқланиб, 37.94%лик пропорционал ставкада ҳисоблаб чиқилади. Лекин, қиймати юқори бўлган обьектлар учун қўшимча ставкалар киритилган. Мулкдорнинг асосий яшаш жойи учун алоҳида солик (ижара қиймати 4573 еврордан ошган обьектлар учун қўшимча 0.2%) ва номидаги бошқа мулклар учун алоҳида солик мавжуд (4573 еврордан 7652 еврогача бўлган обьектлар учун қўшимча 1.2%, ижара қиймати 7622 еврордан баланд обьектлар учун – 1.7%) [5].

Хорижий тажрибада соликқа тортишдаги ижтимоий адолат таъминланиши учун кўчмас мулк солиғи ставкаларини белгилашда мулкнинг бозор (кадастр) қиймати ошиб боришига қараб прогрессив механизм асосида белгилаш принципига амал қилинади. Бундан ташқари, аксарият мамлакатларда кўчмас мулкни соликқа тортишда 0 фоиз қўлланадиган ёки соликқа тортилмайдиган қиймат чегаралари белгиланади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, солик маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда мулкий соликқа тортиш механизмини ихчамлаштириш мақсадида, амалдаги мол-мулк ва ер соликларини бирлаштириб, босқичма-босқич кўчмас мулк солиғига ўтиш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган манбалар:**

1. Ниязметов И.М. Ўзбекистон солик тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Т.: Молия, 2017.
2. OECD Work on Taxation 2016-17. Centre for Tax Policy and Administration / <http://www.oecd.org/tax/>
3. <https://www.ato.gov.au/general/capital-gains-tax/your-home-and-other-real-estate/your-main-residence/>
4. <https://www.bundesfinanzministerium.de/Content/EN/Standardartikel/Topics/Taxation/Articles/german-property-tax-reform.html>
5. <https://www.french-property.com/guides/france/finance-taxation/taxation/local-property-taxes/fonciere/>



## “IQTISODIY BILIM ASOSLARI” FANINI O’QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

Yo’ldosheva Tursunoy Sharifovna  
Navoiy shahar 12-IDUM  
iqtisod fani o’qituvchisi

**Annotatsiya:** “Iqtisodiy bilim asoslari” fanini, uning qonun-qoidalalarini bilish uchun, eng avvalo, iqtisodiyotning o’zi nima, uning vazifasi nimalardan iborat, degan savolga javob berish lozimdir. Insoniyat hayoti va uning taraqqiyoti juda murakkab, ko’p qirrali va g’oyat chigal muammolarga boydir. Bu muammolar kishilarning moddiy ne’matlar ishlab chiqarish, xizmatlar ko’rsatish, fan, madaniyat, siyosat, mafkura, ahloq, davlatni boshqarish sohalaridagi va nihoyat boshqa faoliyat turlaring borgan sari ko’payib, rivojlanib hamda ularning o’zgarib borishi natijasida vujudga keladi. Uzoq davrlar davomida insoniyat fikrini band qilib kelgan ayrim masalalar bugungi kunda oddiy haqiqat va oson bilish mumkin bo’lgan narsaga o’xshab ko`rinadi.

**Kalit so’zlar:** interfaol texnologiyalar, flash-animatsiya, samaradorlik, o’qitish texnologiyalari, interaktiv o’quv dasturlari

Mamlakat iqtisodiyotida modernizatsiya jarayoni kechayotgan bir vaqtida yangi davr o’qitish tizimiga iqtisodiy va ilmiy-texnikaviy omillarning ta’siri ostida yangicha talablar qo’ymoqda. Bu o’zgarishlar o’qitishning mazmuni, uslublari, moddiy-texnika bazasi, boshqarish va tashkil etish yo’llari, iqtisodiy dastaklariga o’z ta’sirini ko’rsatadi. Bundagi asosiy vazifa – shaxsning mustaqilligi va ijodiy faolligini (from teaching to leaning) rivojlantirish hamda shu orqali o’quvchi-talabanining o’z intellektual va estetik salohiyatini ro’yobga chiqarish, o’zgaruvchan dunyoga moslashish qobiliyatini har tomonlama taraqqiy ettirishga e’tibor qaratiladi. Shaxsning yaratuvchanlik va ijodiy qobiliyatining rivojlanishi pedagogik jarayonning o’zgarishi asosida kechadi, ya’ni uquvchi o’qitish ob’ekti emas, balki pedagog tomonidan qo’ylgan vazifalarning yechimini topishdagi teng huquqli sub’ektga aylanadi. Ta’lim tizimida interfaol usullarning qo’llanilishi o’quvchilar tomonidan axborotlarni o’zlashtirib olish faoliyatini tashkil qilishning maxsus shaklidir. Interfaol o’tishining moxiyati o’quv jarayonini tashkil qilinishida bo’lib, bunda barcha talabalar bilim olish jarayoniga jalb qilingan bo’ladilar, ular o’zлari o’ylagan narsalar xususida tushunish va fikrlash imkoniyatiga ega bo’ladilar. O’quv materialini o’zlashtirishga xar bir shaxs o’z ulushini qo’shadi, bilimlar, g’oyalar, faoliyat usullari bilan almashinuv jarayoni kuzatiladi.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarda pedagogik jarayon o’qitishning shaxsga yo’naltirilgan texnologiyalari va metodlari asosida amalga oshirilishi lozim. Interfaol metodlar ta’lim berishda o’quvchilarning axborotlarni o’zlashtirib olish faoliyatini tashkil qilishning maxsus shaklidir. Interfaol o’tishining moxiyati o’quv jarayonini tashkil qilinishida bo’lib, bunda barcha o’quvchilar bilim olish jarayoniga jalb qilingan bo’ladilar, ular o’zлari o’ylagan narsalar xususida tushunish va fikrlash imkoniyatiga ega bo’ladilar. Yangi davr o’qitish tizimiga demografik, iqtisodiy va ilmiy-texnikaviy omillarning ta’siri ostida yangicha talablar qo’ymoqda. Bu o’zgarishlar o’qitishning mazmuni, uslublari, moddiy-texnika bazasi, boshqarish va tashkil etish yo’llari, iqtisodiy dastaklariga o’z ta’sirini ko’rsatadi. Bundagi asosiy vazifa – shaxsning mustaqilligi va ijodiy faolligini (from teaching to leaning) rivojlantirish hamda shu orqali o’quvchi-o’quvchining o’z intellektual va estetik salohiyatini ro’yobga chiqarish, o’zgaruvchan dunyoga moslashish qobiliyatini ha tomonlama taraqqiy ettirishga e’tibor qaratiladi. Shaxsning yaratuvchanlik va ijodiy qobiliyatining rivojlanishi pedagogik jarayonning o’zgarishi asosida kechadi, ya’ni o’quvchi o’qitish ob’ekti emas, balki pedagog tomonidan qo’ylgan vazifalarning yechimini topishdagi teng huquqli sub’ektga aylanadi.

Pedagogik texnologiya – bu butun o’qitish va bilimlarni o’zlashtirish jarayonida o’z oldiga ta’lim shakllarini samaradorligini oshirish vazifasini qo’yuvchi texnik hamda shaxs resurslari va ularning o’zaro aloqasini hisobga olib, bilimlarni yaratish, qo’llash va belgilashning tizimli uslubidir.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. O’lmasov A. Iqtisodiyot asoslari (o’quv qo’llanma) T.: «Mehnat» 1997 y.-222 b.
2. Tojiboeva D. Iqtisodiyot nazariyasi (o’quv qo’llanma) T.: «SHarq» 2003 y.-414 b.
3. Abdurahmonov Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi (darslik) T.: «O’qituvchi» 2001 y



## ИСЛОМ БАНКЛАРИ ХАМКОРЛИГИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
Тингловчиси: **Мамадалиева Гулнора**

**Аннотация:** Мақолада ислом банклари хамкорлигига инвестицион лойихаларни жалб қилиш тажрибаси хамда инвестицион ёндашувлар тизимини аниқлаш, йўлларини кўрсатиш, стратегик инвестицион марказ фаолиятини борасида фикрлар баён этилган.


**Калитли сўзлар:** корхона, **лоийха**, инвестиция, стратегия, корхона, молиялаштириш, исломий банклар, стратегия, инвестицион жозибадорлик, молия – иқтисодий марказ.

### Кириш

Миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инновацион жараёнларни самарали бошқариш инновацион фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. «Исломий молия соҳасининг географик мавжудлиги Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёдаги анъанавий бозорлардан ташқарига чиқмоқда ва энди Африка, Шарқий Осиё ва Америка қитъалари каби дунёнинг турли миңтақаларидан янги ўйинчиларни ўз ичига олмоқда. Ушбу бозорларда саноатнинг ижобий истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, Исломий молия уларни янада ривожлантиришга имкон беради.

Атиги қирқ йил ичida Исломий молия сектори банк, капитал бозорлари ва суғурта секторини (такафул) қамраб олган мустақил ва тўлиқ молиявий тизимга айланди. Бугунги кунда исломий молия соҳасининг умумжахон активлари 2 триллион долларга teng va 2020 йилга келиб 3 триллион долларгача ўсиш салоҳиятига эга деб баҳоланади.


Ислом молия соҳасининг жами активлари (2013-2020 молия йиллари)



Бу майдонда энг муҳим ўйинчилар Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик Кенгаши (GCC) мамлакатлари ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг айрим мамлакатлари ҳисобланади. Бу ерда йирик корпоратив мижозларга ҳам, аҳолига ҳам хизмат кўрсатадиган ички банк секторининг катта қисми исломий молияга тўғри келиб, бу улуш ўсишда давом этмоқда. Шундай шароитларда Исломий молия учун ноанъанавий бозорлар пайдо бўлмоқда ва ривожланмоқда: Африка давлатлари суверен сукукнинг биринчи чиқарилишини ташкил қилиш билан шуғулланмоқда, Шарқий Осиё мамлакатлари эса ўзларининг ички бозорларини Исломий молиялаштиришга имкон бериш учун иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, биринчи суверен сукук ва Исломий «дарчалар» орқали Исломий молиялаштиришга инвестиция қилиш Россия ва Германия ҳудудида Европа банклари томонидан амалга оширила бошлади.



Ислом молия соҳасининг жами активлари (2015-2020 молия йиллари)



Исломий бозорларни, жумладан, сукукни чиқариш орқали молиялаштириш имкониятларини ўрганаётган яна бир давлат Кения бўлди. Сенегал Дакар ва Блез Диан янги халқаро аэропорти ўртасида юқори тезликдаги темир йўл алоқасини ўрнатиш каби стратегик муҳим инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун IDB молиявий кўмагида сукукнинг иккинчи чиқарилиши истиқболларини кўриб чиқмоқда. ДАРда сукук чиқаришга кўмаклашиш доирасида ушбу мамлакат молия вазирлиги оммавий компаниялар томонидан сукук чиқаришни соддалаштириш мақсадида солиқ ислоҳотларини кенгайтиришни таклиф қилди.

Ислом молияни ривожлантириш учун унинг сўнгги саъй-ҳаракатлари туфайли, 2019 йилда Гонгконг ҳукумати Гонгконг фонд биржаси, Nasdaq Dubai ва Малайзия фонд биржаси реестрига киритилган суверен сукукни иккинчи чиқаришни муваффақиятли амалга ошириди. Сукук харидорларининг 42%и Яқин Шарқда, 43%и Осиёда ва 15%и Европада тоғилди. Бундан ташқари, 2018 йил ушбу молиявий марказ сукукни сотишга руҳсат берувчи ва сукук ва анъанавий молиявий воситалар учун ягона ўйин майдонини таъминлайдиган солиқ қонунини қабул қилди. Хитойнинг исломий молияга ишончи ҳақида яқинда амалга оширилган илк сукук чиқарилиши ва бир қатор – касалхоналардан тортиб метро бекатлари қурилишигача бўлган лойиҳалар бўйича исломий молияни қуллаш усусларини излаш ҳам далолат беради. Буни тан олган ҳолда, Қатар Халқаро ислом банки, Қатарнинг QSC ва QNB Capital LLC молия компаниялари яқин ўтмишда Хитойнинг Southwest Securities компанияси билан бу мамлаката шариат талабларига жавоб бераган молиявий маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича шартнома туздилар. Бундан ташқари, Хитойнинг шимолий-шарқий қисмидаги, аҳолининг учдан бир қисми (6,5 млн киши) мусулмон бўлган Нинся автоном минтақаси 1,5 млрд доллар миқдорида сукук сотишни режалаштирган. Умуман олганда, Исломий молия учун маҳсус меъёрий-хуқуқий асос бўлмаса-да, ҳукумат салом, мурабаҳа ва мудараба каби агробизнесида воситаларни структуралаш учун кенг қўлланиладиган молиявий воситалар каби Исломий молиялаштириш схемаларини қўллашни қўллаб-куватлайди. Ислом молиясига бўлган қизиқишлиарини яна бир бор тасдиқлаб, мамлакат Исломий молия тизимининг глобал интеграциясини кучайтиришга чақиради.

#### **Хуласа ва таклифлар:**

Ислом молиясининг жадал ривожланиши Исломий молиявий ечимларнинг амалийлигини исботлади. Исломий молия томонидан тақдим этилган афзалликларни ҳисобга олган ҳолда, улар ушбу ноанъанавий бозорларда ноёб бир муқобил вариантни ифодалайди. Бундан ташқари, Ислом молиясининг мавжудлиги бу ноанъанавий бозорлар ва Ислом молияси узок вақтдан бери илдиз отган турли ИҲТ мамлакатлари ўртасидаги савдо-молиявий алоқаларни кучайтиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, ушбу ноанъанавий бозорларда Ислом молиясини ривожлантиришнинг ижобий истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, юқорида санаб ўтилган янги саноат ўйинчиларининг турли афзалликлари билан бир қаторда, ноанъанавий бозорларда саноатни янада кенгайтиришни башорат қилиш мумкин.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2020 йиллардаги ахборотномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Янковский К.П., Мухарь И.Ф. Учебник. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. – СПб: Питер, 2012.

**Интернет ресурслари:**

1. [www.biznes-daily.uz](http://www.biznes-daily.uz)
2. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
3. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)



## ҚАРЗ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Тингловчиси: **Расулов Ақмал**

Akmali-90@mail.ru

+ 998990780101

**Аннотация:** Мақолада қарз қимматли қоғозлар бозорининг имкониятларидан фойдаланиш бўйича ҳалқаро тажрибани ўрганиш ва миллий қарз қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолатини таҳдил қилиш асосида уни фаоллаштириш йўлларини излаш заруриятининг долзарблигини келтирилган.

**Калит сўзлар:** Фонд бозори, қимматли қоғозлар, қарз қимматли қоғозлар, стратегия, модернизация, биржа айланмаси, банк облигациялари.

**Кириш:** Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий фонд бозорини шакллантириш ва уни капитал ҳаракатининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун кенг қамровли ишлар олиб борилди. Фонд бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хуқуқий асослари, инфратузилмаси тўлиқ яратилди. Лекин, таъкидлаш лозими, мамлакат миллий фонд бозори бугунги кунда пул ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдек, яъни инвестицияларни самарали жалб этишдек муҳим вазифасини тўлиқ уddyалай олмаяпти. Шунинг учун ҳам миллий фонд бозорини ривожлантириш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири хисобланади. Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича муҳим йўналишларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мамлакатимизда молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш, яъни мамлакат иқтисодиётига хорижий, энг аввало, тўғридантўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш»<sup>1</sup> асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори миллий иқтисодиётни модернизациялаш дастурларининг бажарилишида ва инновация фаолиятини молиялаштиришда муҳим ўрин тутади. Бироқ миллий эмитентларимизнинг фаоллик даражаси паст бўлиб, бу айниқса қарз қимматли қоғозлар иқтисодий муҳитнинг бекарорлиги ва бозор конъюнктурасининг ўзгарувчанлиги шароитида корхона мулкдорларига ўз корхоналари назоратини қўлдан бой бермасдан ва банк кредитларига мурожаат қилмасдан корхоналар эҳтиёжларини қисқа муддатли молиялаштиришнинг қулай шаклларидан биридир. Жаҳон амалиётида қарз қимматли қоғозлар имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича амалиёт муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Шунинг учун, қарз қимматли қоғозлар бозорининг имкониятларидан фойдаланиш бўйича ҳалқаро тажрибани ўрганиш ва миллий қарз қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолатини таҳдил қилиш асосида уни фаоллаштириш йўлларини излаш зарурияти мазкур диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.


Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори миллий иқтисодиётни модернизациялаш дастурларининг бажарилишида ва инновация фаолиятини молиялаштиришда муҳим ўрин тутади. Бироқ миллий эмитентларимизнинг фаоллик даражаси паст бўлиб, бу айниқса қарз қимматли қоғозлар бозорида кучли намоён бўлмоқда. Аслида қарз қимматли қоғозлари иқтисодий муҳитнинг бекарорлиги ва бозор конъюнктурасининг ўзгарувчанлиги шароитида корхона мулкдорларига ўз корхоналари назоратини қўлдан бой бермасдан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил, 8 феврал.



ва банк кредитлариға мурожаат қилмасдан корхоналар эҳтиёжларини қисқа муддатли молиялаштиришнинг қулай шаклларидан биридир. Жаҳон амалиётида қарз қимматли қоғозлар имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича амалиёт муваффакиятли тарзда амалга оширилмоқда. Шунинг учун, қарз қимматли қоғозлар бозорининг имкониятларидан фойдаланиш бўйича ҳалқаро тажрибани ўрганиш ва миллий қарз қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш асосида уни фаоллаштириш йўлларини излаш зарурияти вужудга келади.

Қарз қимматли қоғозлар ичida миллий иқтисодиёт учун энг аҳамиятлиси корпоратив облигациялар бўлиб, уларнинг қўйидаги турлари мавжуд:



*1-расм. Корпоратив облигацияларнинг турлари.*

#### *Хулоса ва таклифлар:*

Қарз қимматли қоғозларнинг эмитентлар учун афзаллиги банк кредитига мурожаат қилмасдан ва корхона капитали назоратига дахл қилмасдан инвестициялар жалб қилишдан иборат. Инвесторлар учун қарз қимматли қоғозларнинг афзаллиги банк депозитидан фарқли ўлароқ фонд бозори орқали ўз маблағларини тез ва нисбатан юқори фойда билан қайтара олиш имкониятидир.

- қарз қимматли қоғозлар йирик лойиҳаларни амалга оширишга маблағи етишмайдиган, бироқ банк кредитида мурожаат қилишни ва ўзлик капитали назоратига дахл қилинишини истамайдиган корхоналар ҳамда эркин маблағга эга бўлган, бироқ банк депозитига нисбатан ўз маблағини тезроқ ва фойдалироқ инвестиция қилишни истайдиган инвесторлар учун қулай инвестиция воситаси экан;

- оҳирги йилларда кечаетган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози корхоналар ишлаб чиқариш потенциалига янада кучайтирилган талабларни қўймоқдаки, янги шароитга мослашиш учун талаб қилинадиган модернизацияни молиялаштиришда қарз қимматли қоғозлар қўл келиши мумкин;

- Хўжалик юритувчи субъектларни молиялаштиришда қарз қимматли қоғозларнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда;

- корхона фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбаи бўлган қарз қимматли қоғозлар бозори имкониятидан самарали фойдаланиш учун компаниялар инвестиция жозибадорлигини ўстириш талаб қилиниб, бунга корхона баланс кўрсаткичлари ликвидлигини ошириш ва яхши амалиётдаги корпоратив бошқарув тизимини қуриш орқали эришса бўлади.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. 2015, <http://www.lex.uz/>.
2. Акулова, Е., (2009) Развитие рынка ценных бумаг. Бозор, пул ва кредит. Тошкент, №4, 36 б.
3. Арсеньев, В., (2001) Руководство по российскому рынку капитала. – Москва: Альпина Паблишер, 68 с.
4. Арзикулов Б.Э. Организация и методы аудита инвестиционных компаний. Дисс. к.э.н. М.: МГУ. 1999. с.15
5. Бутиков, И., (2001) Қимматли қоғозлар бозори, дарслик, Тошкент: Консаудитинформ, 61 б.
6. IMF World Economic Outlook Databas ҳамда ICI Fact Book интернет сайтларида жойлаштирган маълумотлари



## ФҮЮЧЕРСЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ҚЎРИНИШИ

БМА Магистри. Ш.З.Тўйчиев  
Shoxa-rux92@mail.ru

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда фьючерслар бозорини ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган асосий чора тадбирлар, республикада мазкур бозорни шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва бошқариш соҳасида давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, борасида фикрлар баён этилган.

**Калитли сўзлар:** фьючерслар бозори, қимматли қоғозлар бозори, фонд бозорлари, фоиз ставкаси, ҳалқаро молия бозорлари, рақобат.

Фьючерс бозорлари оддий бозорлар ривожланиши натижасида шаклланиб келган. Алоҳида товарларнинг фьючерс асосида савдоланиши дастлаб қадимий Грецияда амалга оширилган. Буюк грек файласуфи ва математик Фалес ҳамда Милет айнан шундай шартномалар орқали катта бойликка эришишган. Фарбий Европада, айнан, Голландияда биринчи маротаба фьючерс лола гуллар савдосида қўлланилган. Японияда фьючерслар савдоси XVII асрда шаклланган. Дастлаб, улар гуруч маҳсулотига фьючерсни қўллаган бўлсалар, кейинчалик дуккакли маҳсулотлар ва олтин савдосида ҳам фьючерсни қўллай бошлаганлар. Улгуржи товарлар бозори ривожланиши натижасида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида белгиланган сифатда аниқ товар партиясини ўша куннинг ўзида ёки яқин кунларда етказиб беришини кўзда тутилган шартномалар шакллана бошланди. Бунда тўловлар зудлик билан амалга оширилар эди. Тўловлар нақд пул шаклида амалга оширилганлиги учун нарх билан боғлиқ бўлган рисклар ва шартномани бажариласлик риски йўқ эди, аммо нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш ва товарни зудлик билан етказиб бериш харидор ва сотувчилар ўртасида қийинчиликлар туғдира бошлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мавсумийлиги ва уларни сотишга қадар саклаш зарурлиги ҳаражатни кўпайтиради. Бундан ташқари, олди-сотди вақтида маҳсулотга бўладиган нархнинг номаълумлиги харидор ва сотувчини ўйлантира бошлади. Шунинг натижасида қишлоқ хўжалиги товарлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар учун келгусида аниқ бир пайтда товарни етказиб бериш тўғрисидаги шартномани тузиш зарурияти туғилди. Бундай турдаги шартномалар иккала томон (харидор ва сотувчи) манфаатига мос бўлиб, нарх ўзгариши билан боғлиқ риски камайтирди. Харидор ва соувчиларга қандай турдаги товарни қанча ҳажмда ҳамда қандай нархда сотиб олишлиги ёки сотишлиги олдиндан белгилаш имкони туғилди. Бундай битимларни тузишда товарни етказиб бериш муддати қанчалик узоқлаштирилса, шунчалик шартномани бажариласлик хавфи ошган. Бу турдаги биржавий операцияларнинг ривожланиши индивидуал ҳарактерга эга бўлган фьючерс битимлари камчиликларини намоён қилди. Бозор ҳолати ўзгарган пайтда харидор ҳам, сотувчи ҳам битим мажбуриятларини бажаришдан бош торта олмасдилар, шунингдек, шартномани ўзгаришишга ҳам йўл қўйилмас эди. Иқтисодий муносабатлар тараққиёти натижасида савдо операцияларининг янги такомиллашган шакли шаклланди. Навбатдаги босқичда бир турдаги шартномалар тузила бошланди. Бундай шартномаларда товарнинг стандарт миқдори, сифати ва мажбуриятларни бажарилиш муддати, баҳоси белгиланар эди. Бу шартномаларни ўзини ҳам сотиш ва сотиб олиш имкони туғилди, бунинг асосида фьючерс бозори шаклланади. Фьючерс бозори харидор ва сотувчиларга олди-сотди ҳаражатларини камайтиришга ва нарх ўзгариши билан боғлиқ риски бартараф этишга имкон берди. Масалан, буғдой етиштирувчи фермер ҳали етиштирилмаган буғдойни фьючерс бозорида сотиши мумкин. Бу билан ўзини нархни ўзгаришидан хеджерлайди, яъни фьючерс бозорида ўз ҳосилини суғурталайди. Бу ҳолни бошқа томондан ҳам кўриш мумкин. Масалан, буғдой истеъмолчиси нон ишлаб чиқарувчи ҳам маълум пайтдан сўнг сотиб оладиган буғдой учун фьючерс шартномасини сотиб олади ва хотиржам ўз фаолиятини давом эттиради. Бунда иккала томон: сотувчи нархни пасайишидан, харидор нархни кўтарилишидан суғурталанади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, хом-ашё ва молиявий инструментларга асосланган фьючерс бозорини ҳозирги замонавий шаклининг пайдо бўлиши XIX асрга бориб тақалади. 1848 йилда жаҳондаги энг катта муддатли товарлар биржаси Чикаго Борд оғ Трейдда



ташкил этилган. Бу товарлар биржасидан маҳсулотлар ва молиявий шартномаларига ихтисослаштирилган. Ундан сўнг, 1918 йилда АҚШда Чикаго товар биржаси ўз фаолиятини бошлади. 30-йилларга келиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нархлар кескин пасайиб кетди. Бунинг оқибатида АҚШда 1933 йили «товар биржалари тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди ва муддатли шартномалар савдосини амалга ошириш тартиби кўрсатилди ҳамда брокерлик фаолияти қонун-қоидалари белгилаб берилди.

Умуман олганда, фьючерс шартномаларини унинг обьектига кўра, икки гурухга ажратиш мумкин: товарлар фьючерсси ва молиявий фьючерс.

Товарлар фьючерсси предметини турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда саноат хом-ашёси ва ярим фабрикатлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги товарларига донли (буғдой, маккажӯхори, арпа, жавдар...) маҳсулотлар, ёғ маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари (қора моллар ва гўшт маҳсулотлари), тўқимачилик хом-ашёлари (пахта, ипак, жунли газламалар, йигирилган иплар...), шакар ва шакарли маҳсулотлар, ёғоч материаллари, табиий каучук, картошка ва бошқалар киради.

Саноат хом-ашёси ва ярим фабрикатларга ёқилғи маҳсулотлари (нефть, бензин, мазут), рангли ва қимматбаҳо металлар (алюминий, мис, никель, рух, кўрғошин, олтин, кумуш, платина, палладий) киради.

Молиявий фьючерслар – валюта ва молиявий инструментлар (фоиз ставкалари, акциялар индекси)га асосланади.

Валюта бозорлари миллий валютада хорижий харид қилиш ёки сотиш юз берадиган ва бунда валюта курслари уларга бўлган талаб ва таклиф натижасида юзага келадиган валюта-молия бозорлариdir.

Валюта бозори иштирокчилари бўлиб – экспортерлар, импортерлар, Марказий банклар, молиявий ва номолиявий институтлар ҳисобланади.

Валюта фьючерслари бозорининг ривожланишига 70-йилларда қатъий белгиланадиган валюта курслари даврининг тугаши, молиявий сферада аралашувининг сусайиши, халқаро савдонинг ривожланиши, компьютер ва телекоммуникация соҳасида янги даражага эришилиши, фан-техника тараққиётининг ривожланиши ва бошқа жараёнлар туртки бўлди.

Валюта фьючерсси – бу келажакда валюта олди-сотдисига тузилган шартнома бўлиб, у бўйича сотувчи кўрсатилган муддатда ўрнатилган курс бўйича аниқ бир валюта миқдорини сотиш, харидор эса шу валютани шу шартларда сотиб олиш мажбуриятларини оладилар. Юқори даражадаги инфляциянинг узоқ вақт давом этиши фоиз рискларидан ҳимояланиш муаммосини келтириб чиқарди.

Молиявий фьючерсларнинг қуидаги икки тури мавжуд:

фоиз ставкалари бўйича фьючерслар; акциялар индекси бўйича фьючерслар.

Молиявий фьючерс шартномалари асосини аниқ бир молиявий инструмент ёки қимматли қоғозлар ташкил этади. Бу турдаги фьючерс шартномалари моҳиятини аниқ тушуниш учун, уларнинг турлари бўйича қисқача тўхталиб ўтсан.

Қимматли қоғозларнинг қуидаги турлари мавжуд:

- даромадлилиги қатъий белгиланган қимматли қоғозлар. Буларга облигациялар, депозит сертификатлари, векселлар киради;
- даромадлилиги қатъий белгиланмаган қимматли қоғозлар. Буларга акцияни мисол келтиришимиз мумкин.
- Аралаш шаклдаги қимматли қоғозлар. Буларга опцион қарзлари, конверсион қарз мажбуриятлари киради.

### Хулоса ва таклифлар

Республикамизда бугунги кунда фьючерслар бозорини амалга оширишдаги операцияларини ривожлантиришда қуидаги тадбирларни амалга оширишда қўйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- фьючерслар фаолиятига доир реклама ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш;
- фьючерслар бозорини амалга оширишдаги тадбирлар билан танишиб чиқиш ва тегишли хулосаларни чиқариди, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишининг тутган ўрни ва аҳамиятини асослаб бериш;
- тижорат банкларида қимматли қоғозларни ривожланишини, яъни улар турларини кенгайтириш тадбирларни амалга ошириш лозим.



## ОПЦИОН БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

БМА Магистри. У.А.Улугов  
u.ulugov.u@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда опционлар бозорини ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган асосий чора тадбирлар, республикада мазкур бозорни ривожлантириш, назорат қилиш ва бошқариш соҳасида давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, борасида фикрлар баён этилган.

**Калитли сўзлар:** опционлар бозори, қимматли қоғозлар бозори, фонд бозорлари, фоиз ставкаси, ҳалқаро молия бозорлари, рақобат.

Бозор иқтисодиёти турли бозорларнинг жамланмаси сифатида намоён бўлар экан, унда молия бозорининг ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатишимиш мумкин, модомики айнан ушбу бозор изчиллик билан бир томондан иккинчи томонга, иқтисодиётнинг кам рентабелли тармоқларидан даромадли соҳаларига капиталларнинг оқимига имкон яратиб беради. Бунинг натижасида эса молия бозори иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида капитални қайта тақсимланишини таъминлаб, тармоқларнинг даромадлилик даражаларини ўзаро тенглаштиришга ёрдам беради.

Бўш турган маблағларни инвестицияларга айланиши молия бозорида амалга оширилар экан, сўнгги пайтда унинг таркибида ҳосилавий қимматли қоғозлар сегменти тобора асосий ўринни эгаллаб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғриси”даги қонунида ҳосилавий қимматли қоғозларга қўйидагича таъриф берилган: “қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – ўз эгаларининг бошка қимматли қоғозларга нисбатан ҳукуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фючерслар, депозитар тилхатлар ва бошка молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар” дир. Биз ҳосилавий қимматли қоғозлар, уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари, қўлланилиши ҳақида фикр юритамиз. Шартнома шартларини бажариш муддатлари нуқтаи назаридан бозорлар спот бозори ва муддатли бозорга ажратилар экан, бунда спот бозори нақд шартномалар бозори ҳисобланади. Одатда ҳосилавий қимматли қоғозларни муддатли шартномалар деб ҳам юритилади, негаки улар ўз мазмунига кўра контрагентлар томонидан келишилган шартларда шартнома предметини келажакда етказиб беришни назарда тутади. Шартноманинг асосини турли хилдаги активлар, яъни қимматли қоғозлар, фонд индекслари, банк депозитлари, валюта, товарлар ташкил этади. Муддатли шартноманинг асосини ташкил этувчи актив базис актив дейилади.

Бошқача қилиб айтганда, ҳосилавий қимматли қоғозлар – бу икки ёки кўп томонлама шартномалар бўлиб, уларнинг қиймати ушбу битимларнинг асосини ташкил этувчи маълум бир актив микдорининг ҳосиласи асосида ҳисобланади. Бундай микдор бўлиб, хомашёнинг ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи, аксия ва облигатсиялар курси, валюта курси, фонд индекслари, фоиз ставкалари ва бошқалар ҳисобланниши мумкин.

Муддатли бозор иккита муҳим функцияларни, тадбиркорларнинг келгусидаги режаларини бошқаларники билан мувофиқлаштириш ва иқтисодий ҳолат ноаниқлигида нарх бўйича рискларни суғурталаш функцияларини бажаради. Модомики, ҳосилавий қимматли қоғозлар молиявий рискларни камайтиришида самарали усул ҳисобланади, улар молиявий институтларга шартномалар орқали рискларни хеджирлаш имконини беради, бунинг натижасида эса рисклар камаяди ёки йўқолади.

Муддатли бозорда савдо қилинадиган инструментларнинг шаклига кўра уларни қўйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатишимиш мумкин:

- форвард шартномалари;
- фючерс шартномалари;
- опцион шартномалари;
- своплар.

Форвард шартномалари бу икки томоннинг келишуви бўлиб, унга кўра бир томон сотиш мажбуриятини олса, иккинчи томон эса кела-жакда амалга оширишга келишилган маълум бир муддатда ва ўрнатилган нархда базис активларни олиш имкониятига эга бўлади. Форвард шартномалари биржадан ташқари амалга оширилади ва уни тузиш вақтида контрагентлар бирон бир харажат қилишга мажбур эмас.

Фючерс шартномалари форвард шартномаларига ўхшаш кели-шувдир. Фючерсларнинг ўзига ҳос хусусияти шундан иборатки, бу инструмент стандартлаштирилган бўлиб, у фақатгина биржа савдоларининг обьекти сифатида номоён бўлади. Амалиётда фючерс



шартномаларини сотиб олиш ва сотиш орқали рискларни хеджирлаш мумкин.

Опцион шартномалари икки томон ўртасидаги шартнома бўлиб, у унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш ҳукуқини беради.

Опционнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг эгаси қимматли қоғознинг ўзини эмас балки уни сотиб олиш ёки сотиш ҳукуқини опцион мукофоти эвазига сотиб олади. Шуни таъкидлаш лозимки, опцион эгаси вазиятга қараб опцион юзасидан сотиб олиш ёки сотиш ҳукуқидан фойдаланиш ёки ундан воз кечиши мумкин.

Своплар бу икки томоннинг олдиндан келишилган шартларига мувофиқ келажакда маълум бир тўловларни ва ёки базис активларни (келишилган миқдорда) алмаштириш бўйича битимирид.

Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг асосини ташкил этувчи базис активларга кўра уларни қўйидагиларга ажратишимиз мумкин:

- товарлар бўйича (нефт, нефт маҳсулотлари, электр энергия, металлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – дон, шакар ва бошқаларга асосланган ҳосилавий қимматли қоғозлар);
- валюталар бўйича (валютавий қимматликларга асосланган ҳосилавий қимматли қоғозлар);
- фонд биржалар бўйича (аксия, облигация, фонд индекслари, ўзгарувчанлик индексларига асосланган ҳосилавий қимматли қоғозлар);
- фоизлар бўйича (қарз мажбуриятлари бўйича фоиз ставкаларига асосланган ҳосилавий қимматли қоғозлар);
- кредитлар бўйича (ҳосилавий қимматли қоғозлар бўйича тўловлар, кредитлар бўйича муайян бир ҳолатларнинг содир бўлишига боғлиқ);
- ностандарт базис активлар бўйича (об-хаво, сайлов натижаларига асосланган ҳосилавий қимматли қоғозлар ва бошқалар).

Ҳосилавий қимматли қоғозлар айланувчи бозорларга мувофиқ уларни қўйидаги гурӯхларга ажратишимиз мумкин:

- биржа инструментлари (барча кўринишдаги фючерслар, биржада муомалада бўлувчи стандартлаштирилган опционлар);
- биржадан ташқари инструментлар (форвардлар, нобиржавий опционлар, своплар).

Муддатли бозорда қўйида терминлардан фойдаланилади. Агар муддатли шартномани имзолаётган шахс базис активни сотиб олиш мажбуриятини оладиган бўлса, у узун позициясига (лонг позицион) эга бўлди дейилади. Аксинча бўлса, яъни агар у шартнома бўйича бошқа томонга келажақдаги маълум бир санада активларни сотиш мажбуриятини олса, у ҳолда қисқа позицияга эга бўлди деб ҳисобланади. Ўз навбатида “узун контракт” ва “қисқа контракт” каби тушунчалар ҳам учрайди. Бунда биринчи ҳолат инвестор шартномани сотиб олганини билдиrsa, иккинчи ҳолатда сотганини англатади.

Ҳозирги кунга келиб ҳосилавий қимматли қоғозлар бозори фонд бозорининг алоҳида сегменти сифатида ривожланиб келмоқда, айниқса ушбу молиявий инструментлар айланмасини биржадан ташқарига чиқиши сабабли улар чекланмаган миқдорда муомалада бўлиш ва турли базис активлар бўйича, жумладан фонд индекслари ва бошқа ҳисоб кўрсаткичлари бўйича ҳам муомалага киритилиш имкониятига эга бўлди. Сўнгги пайтларда ҳосилавий қимматли қоғозлар бозори бошқа молиявий инструментларига қараганда юқори суръатларда ўсишда давом этмоқда ва бу эса биржалардаги асосий (ўзгарувчанлик)ни ҳосил қилмоқда.

### Хуласа ва таклифлар

Республикамида бугунги кунда опцион бозорини амалга оширишдаги операцияларини ривожлантиришда қўйидаги тадбирларни амалга оширишда қўйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- опцион фаолиятига доир реклама ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш;
- опцион бозорини амалга оширишдаги тадбирлар билан танишиб чиқиш ва тегишли хуласаларни чиқарib, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишининг тутган ўрни ва аҳамиятини асослаб бериш;
- ҳосилавий қимматли қоғозларни бозорини ривожланишини, яъни улар турларини кенгайтириш тадбирларни амалга ошириш лозим.



## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БАНКЛАРНИНГ ЎРИНИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
Тингловчиси: **Норсафаров Бахриддин**  
baxriddin.n@gmail.com  
+998 97 1550161

**Аннотация:** Мақолада инвестиция лойихаларини молиялаш самарадорлигини оширишда банкларнинг ўрини назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Жорий ҳолати таҳлил этилиб, мавжуд амалиётни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инвестицион лойиха, даромад, сифат кўрсаткичлари, молиялаштириш, банк, самарадорлик, лойиха мониторинги.

### Кириш

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган инвестиция лойихаларини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар маблағларини фаол жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқкан ҳолда, мазкур чора-тадбирлар доирасида «иктисодий жиҳатдан асослантирилган инвестиция лойихаларини уларнинг молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлайдиган, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича маблағларнинг ноокилона сарфланишини истисно этадиган, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди». Яқин ўрта муддатли истиқболда корхоналарни модернизациялаш бўйича кутилаётган эҳтиёжлар ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, яқин йилларда банк тизими жами кредит портфелида инвестицион кредитларнинг янада ўсишини кутиш мумкин. Бу эса, тижорат банкларининг инвестицион лойихаларни молиялашда банк рискларини бошқариш заруратини юзага келтиради ва долзарблигини оширади. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, инвестицион лойихаларни молиялаштириш банкнинг юқори рискли фаолияти ҳисобланаби, бу турдаги рискларни бошқариш мураккаб ва кўп поғонали жараён ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, инвестицион лойихаларни молиялаштириш билан шуғулланувчи тижорат банклари рискни бошқариш мақсадида риск-менежмент жараёнига кўмаклашувчи ўзига хос моделларни шакллантиришлари мухим аҳамият касб этади.

Инвестицион лойиха – корхона томонидан қўйилган мақсадга эришиш учун унга молия капиталини самарали қўйишни амалга ошириш мақсадида ташкил этилаётган ташкилий-иктисодий қарорлар тизимиdir. Лойихаларнинг шакли ва мазмuni турли хил бўлиши мумкин – янги, янги корхонани қуришдан кўчмас мулкни харид қилишгача. Ҳозирги кунда халқаро миқёсда шаклланган тенденциялар Ўзбекистон банклари учун янги, замонавий-инновацион имкониятлар бериши баробарида муайян рискларни юзага келишига ҳам олиб келади.

Банкнинг инвестицион молиялаш фаолияти обьекти – иқтисодиётнинг реал сектори корхоналаридаги ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ёки модернизациялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки ишлаб чиқариш хавфсизлигини ошириш ҳамда қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини харид қилиш билан боғлиқ инвестицион лойихалардир. Куйидагилар инвестиция фаолияти субъектлари (инвесторлар ва инвестиция фаолияти иштирокчилари) бўлиши мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (жисмоний шахслар), Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар;

- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки худудий органлари, халқаро ташкилотлар ҳамда чет эллик юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар.



Шу ўринда, тијорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялашда лойиҳанинг қуидаги сифат кўрсаткичларига, яъни дисконтлаш ставкаси, сарфланадиган маблағларни қоплаш муддати, қайтариб беришнинг дисконтлашган муддати, рентабелликнинг ўртача нормаси, лойиҳадан келадиган соф даромад, даромадлар индекси, рентабелликнинг ички фойда нормаси ҳамда модификациялашган ички фойда нормасига алоҳида эътибор қаратилиши лойиҳа ҳаётийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Яъни, инвестицион лойиҳа сифат кўрсаткичларининг юкори самарадорликка эга бўлиши кўриб чиқилаётган инвестицион лойиҳанинг сифатлилигидан далолат беради.



**1-расм. Тијорат банклари томонидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида иктисолий фаолият турлари бўйича тақсимоти. 2020 йил 1 июль ҳолатига, фоизда**

Хулоса қилиб айтганда, инвестицион лойиҳаларни молиялашда банк ва уларни бошқариш жуда кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу жараённинг самарави ийёлга қўйилиши тијорат банклари томонидан молияланган инвестицион лойиҳа ҳаётийлиги ва самарадорлигини таъминлаш, бунинг натижасида тијорат банкларининг фоизли даромадлари дараҷасини ошириш имконини беради.

Инвестицион лойиҳани молиялашга келиб тушган ариза бўйича тизимли ёндашув, яъни инвестицион маблағлардан фойдаланиш устидан дастлабки назоратни тўғри ва мукаммал амалга ошириш, бунда биринчи навбатда, мижознинг характеристига, унинг молиявий аҳволига, ушбу соҳадаги тажрибасига ҳамда лойиҳанинг сифат кўрсаткичлари ҳолатига алоҳида эътибор бериш лозим.

Инвестицион лойиҳа молиялаштирилгандан кейинги даврда лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни, лойиҳага ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, лойиҳа ишга тушурилгандан сўнг даромадлар киримини ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторликкредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриб бориш.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштироқидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3796-сонли қарори.
2. Миркин Я. М. Рынок ценных бумаг: учеб. пособие. М., 2002. –с. 56-57.
3. Narayana A., Mahadeva K. Risk Management in Banking Sector - An Empirical Study / Imperial Journal of Interdisciplinary Research (IJIR). Vol-2, Issue-8, 2016. P. 1219. ISSN: 2454-1362, <http://www.onlinejournal.in>
4. Роуз П.С. Банковский менеджмент. М.: Дело, 1995.
5. Шапкин А.С., Шапкин В.А. Теория риска и моделирование рисковых ситуаций. Учебник.-2-ое изд. М.:



## ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Сапаева Нилуфар Қадамбаевна  
УрДУ иқтисодиёт кафедраси ўқитувчisi

**Аннотация.** Ушбу мақолада минтақа иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда инфратузилманинг ўрни ва уни ривожлантириш юзасидан таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Инфратузилма, минтақа, халқаро инфратузилма, минтақавий инфратузилма, экзоген, эндоген, инвестиция.

Минтақа иқтисодиёти миллий иқтисодий тизимнинг бир қисми бўлиб, унинг самарали амал қилишида муҳим ўрин тутади. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги минтақанинг барқарор ва мувозанатли ривожланишига боғлиқ. Минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш асосида аҳолига муносаб турмуш тарзини яратиш мумкин. Ушбу жараён бир қатор муҳим масалаларни ўз ичига олади. Жумладан, даромадларни ошириш, аҳоли саводхонлигини ўстириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, муносаб меҳнат шароитини яратиш, барқарор иш ўринларини ташкил қилиш кабиладир. Мазкур мезонлар ўз навбатида барқарор ривожланишнинг ҳам муҳим индикаторлари ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, янги иш ўринларини ташкил қилиш қўшимча ишлаб чиқариш ва ресурслар сарфи асосида амалга оширилади. Мазкур вазиятларни ижобий ҳал этиш эса бевосита инфратузилма обьектларини муносаб ҳолда ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш орқали ҳал этилади. Инфратузилма минтақанинг ривожланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, жалб этилаётган инвестициялар кўлами шунчалик юқори бўлади ва иқтисодий ривожланиш жадаллашади.

Инфратузилма ҳудудийлиги бўйича халқаро, миллий, минтақавий турларга бўлинади. Бунда минтақавий тури алоҳида аҳамиятга эга. Минтақавий инфратузилма – ҳудуд иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда иқтисодиётининг самарали ишлаши учун ташкилий-иктисодий, ижтимоий, хуқукий шарт-шароит яратувчи ва аҳоли турмуш сифатини таъминловчи тармоқ<sup>1</sup>.

Минтақавий инфратузилма – бу яхлит бир бутун обьектлар ва хизмат қўрсатиш бўлиб, аҳолини ҳудуд миқёсида муносаб яшашини, барча турдаги товар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини, моддий ишлаб чиқариш ўсишини таъминловчи бўғин<sup>2</sup>.

Минтақа инфратузилмасининг мақсади – бу чекланган тўловга қобил талаб шароитида, ҳудуд иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлаш борасидаги келишув асосида улар фойдасини максималлаштиришдан иборат.

Шу боис, бугунги кунда инфратузилмани ривожлантирмай туриб, минтақа иқтисодиётини, ижтимоий ҳаётини барқарорлигини таъминлаб бўлмайди. Шунингдек, инфратузилма, қўплаб соҳа ва тармоқларнинг самарали амал қилишини ҳам таъминловчи бўғин ҳисобланади. Яъни, инфратузилма юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар қандай иқтисодий тизимнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Минтақавий инфратузилманинг ривожланишини экзоген ва эндоген турга бўлишимиз мумкин. Экзоген турида, инфратузилмасининг мавжудлиги, ҳудудда соҳа ва тармоқларни ташкил қилиш, кенгайиши ва ривожланиши асосида ўрганилади.

Шу билан бирга, соҳа ва тармоқларнинг кенгайиши инфратузилманинг қўшимча хизматларига талаб уйғотади ҳамда мультифункциональ самара асосида уларнинг фаолияти кенгайишини таъминлайди. Эндоген усулда эса, инфратузилма обьектлари ўргасидаги узвийлик, мазкур соҳа кенгайишини ва ривожланишини таъминлайди. Яъни, бир турдаги инфратузилма иккинчи бир хизмат турини талаб этиши ҳисобига соҳа кенгаяди ҳамда ривожланади.

Инфратузилмани такомиллаштиришни иқтисодий рағбатлантириш, ўз навбати-

<sup>1</sup> Иванова Н.А. Теоретические аспекты понятия инфраструктуры региона // Современные научноемкие технологии. Региональное приложение, № 4(32), 2012, с. 30-36.

<sup>2</sup> Конкурентоспособность экономики Украины: состояние и перспективы повышения [монография] / под ред. И. В. Крючковой. — К.: Основа, 2007. — 488 с.



да, минтақанинг асосий капиталига ҳамда инновацион ривожланишига инвестициялар ўсишини ҳам таъминлайди. Минтақада инфратузилманинг ривожланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, жалб этилаётган инвестициялар кўлами шунчалик юқори бўлади ва иқтисодий ривожланиш жадаллашади. Инфратузилмага йўналтирилган инвестициялар минтақанинг иқтисодий ривожланишини ҳамда узоқ муддатли иқтисодий ўсишини таъминловчи манба ҳисобланади. Яъни, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар мавжуд ресурсларнинг самарали тақсимотини ва оқилона фойдаланишни таъминлаб беради.

Туризм жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли соҳалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда туризм потенциалини ошириш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Хоразм вилояти республика ҳудудлари ичида юқори туризм салоҳияти билан ажралиб туради. Бу эса, ҳудуднинг туристик жозибадорлигини ошириш учун тарихий обидаларни сақлашгина эмас, балки замонавий қурилиш тизимини ҳам уларга мослаш, ўзаро уйғунлигини таъминлаш талаб этилади. Хоразм вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш ва асосий муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини излаб топиш керак булади. Туризм соҳасига инфратузилмага йўналтирилган инвестициялар нафақат минтақа учун, балки мамлакат учун ҳам бирдек муҳим ҳисобланади. Инфратузилмани минтақада ривожлантиришга маҳаллий ҳокимият томонидан алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иванова Н.А. Теоретические аспекты понятия инфраструктуры региона // Современные научноемкие технологии. Региональноеприложение, № 4(32), 2012, с. 30-36.
2. Конкурентоспособность экономики Украины: состояние и перспективы повышения [монография] / под ред. И. В. Крючковой. — К.: Основа, 2007. — 488 с.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(9-қисм)**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000